

Литосфера ва унинг ЭКОЛОГИК МУОММОЛАРИ.

Литосфера

- Ернинг қаттиқ қобиғи, Ер пўсти ва юқори мантиянинг бир қисмини ичига олади.
- Ернинг қаттиқ ҳолатдаги тош ўрамининг қалинлиги океан тубида 5-7 км, қуруқликда 30-40 км ва тоғли ўлкаларда 70-80 км гача боради, у чўкинди, метоморфик ва магматик тоғ жинсларидан ташкил топган.

- Ер сатҳида асосан чўкинди тоғ жинслари тарқалган бўлиб, уларнинг қалинлиги 20 км гача боради. Тоғларнинг баъзи ерларида улар ювилиб кетиб, океан тубларида уларнинг қалинлиги бир неча юз метр бўлади. Улар таркиби бўйича чақиқ кимёвий ва органик чўкиндиладан ташкил топган бўлиши мумкин

- Ернинг тош ўрами сатҳининг ташқи тузилишга рельеф дейилади. Рельефнинг пайдо бўлишини, унинг ёшини, морфологик тузилишини, ўзгаришини ва тарқалиши қонуниятларини геоморфология фани ўрганади.

- Ер сатҳининг тузилиши, тарихий тараққиёти, унда ҳаётни ривожланиши асосан Ернинг ички қисмида вужудга келадиган тектоник жараёнларга ва иқлимга боғлиқдир.

- Литосфера сатхидан инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш (керакли иншоотлар қуришда фойдаланишдан ташқари) ва қазилма бойликлар қазиб олишда фойдаланилади.

- Очиқ усулда қазиладиган конларнинг чуқурлиги 800 метрга, ёпиқ усулда қазиладиган конларнинг чуқурлиги 3-4 км га етади.

- Ер юзасидаги сув миқдорининг 93-96% ни океан ва денгиз сувлари, 1,65% ни музликлардаги сувлар, 4,12% ни ер ости сувлари, 0,026% ни кўл сувлари, 0,001% ни атмосфера сувлари, 0,0002% ни дарё сувлари, 0,0001% ни ўсимлик ва жонли мавжудотлар танасидаги сувлар ташкил қилади.

